

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК : 334.75:33М(575.1)

ҚУДРАТОВ ХУМОЙИДДИН ОДИЛОВИЧ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ОРҚАЛИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(АТБ “Халқ банки” маълумотлари асосида)

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:


и.ф.н., доц. Т.Ақромов

Диссертация ишида куйидаги асосий масалалар хал этилади: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ва импорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш; кичик бизнесда экспорт ва импорт фаолиятини талил қилиш ва экспортни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш; экспортни ривожлантиришда инновацион маркетинг тизимидан самарали фойдаланиш масалалари ўрганилган. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши айнан кичик бизнесни такомиллашувига ёрдам беради.


The following major issues in the dissertational work are solved: - study of theoretical and methodological foundations of expansion and increase of export and import opportunities of small business and private entrepreneurship entities; analysis of export and import activity in the domestic business, development of export development strategies, effective use of innovation marketing system in export development. The practical application of scientific and practical recommendations in the research process will help to improve the small business.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 14 - сонли баённома « 16 » 05 2018 й.


Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Т.Ақромов


имзо 15.05.18
сана

Магистр: Қудратов Х


имзо 12.05.18
сана

- “Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов 

“15” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “21” май соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1. Миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва аҳамияти.....	10
1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини пул-кредит ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг услубий асослари.....	17
1.3. Мамлакатни ривожлантиришда экспорт ва импортни тутган ўрни ва ҳозирги ҳолати.....	29
Биринчи боб бўйича хулоса.....	37
II БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	40
2.1. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт ва импорт салоҳиятининг умумий таҳлили.....	40
2.2. Тошкент вилояти АТ Халқ банкининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг таҳлилилий қисми сифатида.....	47
2.3. Ўзбекистонда ҳудудий экспорт Дастурлари доирасидаги вазифаларни бажарилишининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	58
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	63
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ	67
3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ва импорт салоҳиятини ошириш имкониятлари.....	67
3.2. Ўзбекистонда экспорт ҳажмини жадал оширишда инновацион маркетингдан фойдаланиш истиқболлари.....	75
Учинчи боб бўйича хулоса	87
ХУЛОСА	90
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	92

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг долзарблиги.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва амалга оширилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дастурининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, - “Бизнинг бош вазирамиз - тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлашдир. Бизнес билан шуғулланаётган ҳар бир кишида давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қатъий ишонч бўлиши шарт. Одамлар бизнес билан шуғулланишдан манфаатдор бўлиши зарур”.¹

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йилнинг январь—декабрида 38,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

2018 йил 1 январь ҳолатига республикамызда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) 229666 тани ташкил этди ва шунингдек, ҳар 1000 нафар аҳолиги тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони 12,2 бирликни ташкил этади ёки ўтган йилга нисбатан 107,0 % га тенг бўлди².

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини модернизация қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим роль ўйнашини қуйидаги маълумотлар далолат беради.

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик ахборотномаси – Тошкент: 2018.